Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
14 май
ШАНБА

№ 38
(12.362)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz


БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Бекобод тумани:



ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ

1. Зафар томонларда янгиланиш шамоли эсаяпти



Биз қутлуғ кунлар арафасида яшаяпмиз. Мамлакатимиз ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаганига 20 йил тўлаяпти. 1991 йилнинг ўша унутилмас кунларида туғилган гўдаклар бугун кучга тўлиб, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилиб яшамоқдалар.

Бекобод тумани қишлоқларида бўлсангиз, пухта билим олиш, касб ўрганиш, малакали мутахассис ёки тадбиркор бўлиб етишишга ҳаракат қилаётган юзлаб, минглаб шундай йигит-қизларни учратасиз.

– Келажагимиз эгалари бўлган янги авлодни тарбиялаш масалаларига давлат ва жамиятимиз алоҳида эътибор билан қараётганини ҳар қадамда кўриб яшаяпмиз, – дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шодибек Ҳамроев. – Мустақиллик йилларида туманимиздаги барча мактаблар тубдан таъмирланди ёки янгидан қурилди. Ўтган йили техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Шу кунларда мусиқа ва санъат мактаби биноси жадал тикланаяпти. Деҳқонободда касб-ҳунар коллежи қурилаяпти. Бу билим даргоҳларида мустақиллик байрами кунлари ўқиш бошланади.

Келинг, ёшларнинг мақсад ва интилишлари ҳақидаги фикрларига қулоқ тутайлик.

38-умумий ўрта мактабнинг 9-"А" синф ўқувчиси Ситора ИСЛОМОВА:

– Туман фан олимпиадасида ғолиб чиққанлигим ўзимга ишончни кучайтирди. Мамлакатимизда ёш авлод севган ҳунарини эгаллаши, орзу-мақсадларига эришиши учун барча шароитлар етарли. Қандай касбни танлашимиздан қатъи назар, биз ёшлар жамиятга фойда келтирадиган, юртимиз равнақига хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етишсак, Ватан олдидаги бурчимизни бажаришга ўзимизни муносиб тайёрлаган бўламиз.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг агросервис ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Ҳасан ҚУЛМАТОВ:

– Сабр-қаноат, ҳаё, андиша каби қадриятлар жамиятни барқарор қилувчи, давлатни мустаҳкамловчи куч-қудрат ҳисобланади. Биз ўқувчилар билан олиб бораётган тарбиявий ишларимизни шу тамойил асосида ташкил этаяпмиз.

Ҳарбий хизматчи Жавлонбек СУЛТОНОВ:

– Мен Чаноқ қишлоғида ўсдим, 32-умумтаълим мактабини тугатгач, Қуролли Кучлар сафига чақирилдим. Юртимиз сарҳадларини қўриқлашдаги хизматларимни тақдирлаб, қўмондонлик ота-онамга миннатдорчилик хати жўнатди. Мен халқимга, Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан...

Булар – Ўзбекистонимиз ўғил-қизларининг дил сўзлари, азму-қарорлари. Қалблари орзуларга тўла шундай фарзандлар билан бугун Зафар шаҳарчаси, Деҳқонобод ва бошқа қишлоқлар обод бўлмоқда, катта-кичик корхоналар барпо этилиб, туманнинг иқтисодий салоҳияти кўтарилиб бормоқда. Шу йилнинг дастлабки уч ойида Зафар шаҳарчаси ва қишлоқларда 80 та кичик бизнес субъектлари иш бошлади. Бундай корхоналар 353,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўсиш суръати 110 фоиздан ошди.

Яқин-яқинларда ҳам кўплаб томорқаларни бурган, тиканаклар босиб ётарди. Одамлар "шу бир парча ер" нима берарди, деб рида ерга муносабат ўзгарди. Энди ёзу қиш иш қизғин. Сўнгги бир йилда аҳоли томорқаларида 53 миллиард 400 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Сабзавот экинларидан 47 миллиард, полиз экинларидан 1 миллиард 281 миллион, картошкадан 4 миллиард сўмлик ҳосил етиштирилиб, олис-яқин бозорларда сотилди.

– Ҳокимлик ишлаб чиқиб, амалга ошираётган мақсадли дастур бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, – деди ҳокимнинг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Фарҳод Мўминов. – Шу кунларда хонадонларда 2238 гектар сабзавот, 531 гектар картошка, 831 гектар озуқа экинлари парваришланмоқда. Томорқа эгаларига уруғлик сотиб олиш, зараркунандаларга қарши курашда ёрдам кўрсатишни йўлга қўйганмиз.

Булар бошқарув ва хўжалик идоралари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маҳаллий бўлинмалари саъй-ҳаракатларининг натижасидир.



СУРАТДА: Бекободнинг кенг, равон йўллари ҳамиша гавжум, серқатнов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 1 июндан ходимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтириладиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхатини 1-иловага мувофиқ кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. 2011 йил 1 июндан қуйидагича тартиб белгилансин:

янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги керак;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенгдир;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинади, хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра интернет тармоғи орқали фирмали номларнинг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирмали номланишини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг мазмунини, мамлакатимизда тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришдаги уларнинг аҳамиятини очиб берувчи кенг кўламли тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 12 май.

2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг индекси – 205.

Вилоят ҳаёти

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ФЕРМЕРГА БИЛИМ КЕРАК

Республика Олий Мажлисининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Янгийўл туманида 200 дан зиёд фермер хўжалиги раҳбарлари учун давра суҳбати ташкил этди.

"Фермерлар ҳуқуқларининг ҳимояси – давлат сиёсатининг йўналиши" мавзусидаги тадбирда Сенат, вилоят фермерлар уюшмаси, Давлат солиқ қўмитаси ва адлия бошқармаси вакиллари фермерларнинг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун қулай ҳуқуқий шароит ва янги имкониятлар, солиқ имтиёзлари ҳақида маълумот беришди.

Отабек САИДОВ.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ТАДБИРКОРЛАР МАЛАЙЗИЯГА БОРИШДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан туман "Тадбиркор аёл" уюшмасига республика Савдо-саноат палатаси Малайзияга бориб, малака ошириб келиш учун иккита йўлланма берди.

Уюшманинг икки аъзоси – Муҳайё Саидова ва Муяссар Абдуғафурова Малайзиядан бой таассуротлар билан қайтишди.

– Бу икки ишбилармон аёл у ерда кўп нарса ўрганишди, – деди уюшма раиси Дилором Мирзабоева. – Улар буни ўқувчиларга ҳам ўргатишмоқда. Натижада коллеж ўқувчилари ўртасида тадбиркорликка қизиқувчилар ортиб бормоқда.

Шокир ХАЛИЛОВ.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

КИРОЙИ ГУЗАР ШУНДАЙ БЎЛСА

Узоқни кўзлаб иш юритадиган фермер жузъий тўсиқларга туртиниши мумкин-у, аммо ҳеч қачон қоқилмайди, олға боса веради. Бўстонлиқ туманидаги "Сойлиқ-Азимжон-Нодиржон" фермер хўжалигининг 85 гектарли экин майдонлари, боғлари ва замонавий гузарини айланиб, шундай хулосага келдик. Ташкил этилганидан буён ўтган 4-5 йил ичида шунча иш қилинганига унча-мунча одам ишонмаслиги мумкин. Аммо биз ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб, ишондикгина эмас, тан бердик ҳам.

Гапни бир бошдан бошлайдиган бўлсак, бу хўжалик асосан ғаллачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланиб келган. 40 гектар атрофидаги буғдойдан ҳар йили бирдек 60-70 центнер ўртасида ҳосил олинади. Сабзавот экинлари ҳосилдорлиги бўйича ҳам тумандаги олди хўжаликлардан. Шулардан кўриниб турибдики, хўжаликнинг топиш-тутиши ҳам чакки эмас, иқтисодий салоҳияти анча мустаҳкам.

Бундай даражага эришиш – ҳар бир фермернинг орзуси. Аммо, холва деган билан оғиз чучимайди. Рўёбга чиқмаган орзудан нима наф. Наф бўлиши учун фермерда иқтидор бўлиши, ҳаловатдан кечиб, жон куйдириши, изланиши, интилиши керак.

Хўжалик бошлиғи Тоҳиржон Рустамбоевда иқтидор ҳам, шундай жонкуярлик ҳам бор экан. У бирин-кетин қўл ураётган соҳалар ҳам риоладагидек изга тушиб бораяпти. Аввало 23 гектарли янги боғ барпо этди. У тумандаги бошқа боғлардан кескин фарқ қилади, десак муболаға бўлмайди. Экилган 7168 туп олма, нок, гилос, олхўри ва шафтоли кўчатларининг ҳаммаси четдан келтирилган ярим пакана серҳосил нав.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: (ўнгдан) фермер Тоҳиржон Рустамбоев иш юритувчи Неъматжон Режаматов, бош боғбон Рустам Толиев билан.

"Адолат" социал демократик партияси Чиноз туман кенгаши ташаббуси билан 2-ўрта таълим мактабида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида таэквандо бўйича клублараро мусобақа ўтказилди.

БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ

Хайрулла Йўлдошев, Неъмат Мирзабоев ва Ботир Темировлар мураббийлигидаги ёш спортчилар гиламга чиқишди.

Ҳакамларнинг хулосасига кўра, Чарос Алибоева, Маҳлиё Саидазимова, Шайхон Фозилов ва Дилмурод Ҳамидуллаев ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгалладилар.

Ғолибларга "Адолат" социал демократик партиясининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz



ўтаётган бундай корхоналар, қурилиш ташкилотлари оз эмас. Мулк шаклидан қатъи назар, барча корхона, фирма ва қурилиш ташкилотларида истиқболли дастурлар амалга ошириляпти. Ўн беш йилдан буён тўхтаб ётган Авангард консерва заводини "Зафар-Далварзин" фермер хўжалиги таъмирлаб, ўтган йили ишга туширди. Бу ерда сифати рақобатбардош консервалар чиқарила бошланди. Қисқа фурсатда истеъмолчиларга 21,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.



Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси, тармоқларни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш маҳсулот турлари ва ҳажмини кўпайтириш, аҳолини муқим иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини кўтариш имконини бераётир. Туман ўтган йилни макроиқтисодий кўрсаткичларни сезиларли яхшилаш билан якунлади. Чунончи, саноат корхоналари 38 миллиард 963,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўсиш суръатини 9,5 фоиз кўтаришга эришди. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмида йирик корхоналарнинг улуши 71,6 фоизни ташкил этди. Улар йилни 51,4 миллион сўм фойда билан якунлади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бир йилда 10 миллиард 927 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ўсиш суръатини 9,6 фоиз кўтарди. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларга тобора кўпроқ сармоя киритиляпти. Бир йилда 17 миллиард 817 миллион сўм сармоя йўналтирилиб, ўсиш 18,3 фоизга етди. Бу ишларнинг 43,8 фоизи аҳоли сармояси ва бошқа маблағлар, 28,5 фоизи банк кредитлари, 15,7 фоизи хорижий инвестициялар, 9,8 фоизи корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Қурилиш-монтаж корхоналари ўз кучлари билан 13 миллиард 683 миллион сўмлик пудрат ишларини бажарди.





Республика Президентининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қарори доирасида 24 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Натижада чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўламлари кенгайди. Бу мақсадлар учун бандлик жамғармасидан 28 миллион сўм, "Микрокредитбанк" ҳисобидан 22 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Биргина "Агробанк" берган кредит 240 миллион сўмга етди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига тайёргарлик жараёнларида Далварзин пахта тозалаш, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш ва нон заводларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб, иш ва маҳсулотлар сифати яхшиланаётир. Саноат корхоналари шу йилнинг дастлабки уч ойида 1116 тонна пахта толаси, 1656 тонна техник чигит ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалик машиналари учун 170,7 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлади. Кичик корхоналар аҳолига 718,8 тонна нон, 16,9 тонна сут маҳсулотлари етказиб берди.

"Далварзинтаъмирлаш"

СУРАТЛАРДА: (юқорида) "Зафарқурилишинвест" масъулияти чекланган жамиятида; (пастда) намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Республика Президентининг "2010 йилда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида махсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Қисқа фурсатда МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторлари ва автомобилларни табиий газда ишлашга ўтказиш технологияси ўзлаштирилди. Дастлабки уч ойда кўплаб техника табиий газ билан ишлашга мослаб, жиҳозланди.

Соатига 500 литр минерал сувни қадоқловчи "Сафар ҳожи инвест" хусусий корхонасини таъмирлаш ва созлаш якунланмоқда. Шу кунларда ичимлик суви ишлаб чиқариш бошланаётир.

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини кенгайтириш мақсадларига сарфланаётган маблағлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга киритилаётган инвестициялар миқдори ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 245,3 фоиз кўпайди. Қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 21 миллион сўмлик пудрат ишларини бажариб, ўсиш суръатини 226,1 фоиз кўтаришга эришдилар.

Шу кунларда Тақачи қишлоғига ўтсангиз, "Ўзметкомбинат" қурувчиларини қизғин иш устида кўрасиз. Улар намунавий лойиҳалар асосида 30 та янги уй қуришяпти. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 550 миллион сўм. Дастлабки уч ойда металлурглар 900 миллион сўмлик иш бажаришди.

Қисқаси, Бекобод туманида уч-тўрт йил илгари бошланган янгича ижтимоий-иқтисодий юксалиш байрам арафасида янада жўшқин тус олди. Давлат идоралари, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхона ва қурилиш ташкилотларида давр руҳини ҳис қилувчи, унинг шитобига тоб бериб, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга бел боғлаган кадрларнинг навқирон бўғини сафга кирмоқда. Юрт юкини ўз елкаларига олган бу мутахассис ва раҳбарлар ҳар соҳада ғайрат-ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бекобод тумани:

ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ

2. Ташаббус кўрсатиш даври

Изланиш, иштиёқ ва интилиш бор жойда юрт равнақда, фаровонлик барқарор. Бекобод туманида шундай фазилатли каттакичик раҳбарлар-у оддий кишилар билан суҳбатлашдик. "Зафарқурилишинвест" масъулияти чекланган жамияти директори Абдумавлон Аноркуловни шофёрга йўл варақасини топшириш устида учратдик.

– Сардоба сув омбори қурилишига материал олиб кетаяпман, – деди Валижон Муҳиддинов. – Масофа яқин эмас, 110 километр. Лекин кунига икки марта қатнаяпмиз. Мустақиллик иншоотини барпо этишга ҳисса қўшаётганимиз бизга куч-қувват бағишламоқда...

Биз корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдик. Тадбиркор Қурбонали Шарипов ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолган қурилиш материаллари корхонасини узоқ йиллик "мудроқ"дан уйғотди. Бунинг учун ишлаб чиқариш бўлинмалари модернизация қилинди, янги технологик ускуналар ўрнатилди. Хитойдан ўнта оғир ағдарма машина, Россия федерациясидан учта "КамАЗ", иккита "ЗИЛ", қўтарма кранлар олиб келинди. Қуйма пойдевор блоклари, бордюрлар, шлакоблок ишлаб чиқариш учун сертификатлар олинди. Ўтган йилнинг ноябридан бошлаб олисяқин шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган иншоотлар учун ювилган қум, чақмоқтош, бетон қоришмалари етказиб берила бошланди. Буюртма асосида эшик, ром тайёрлаш йўлга қўйилди.

– Корхонамизда 50 киши меҳнат қилаяпти, – дейди Абдумавлон Аноркулов. – Қурилиш материаллари турини кўпайтириш учун доимо изланишдамиз. Шу кунларда сувоқ ва бошқа пардозлаш ишларида фойдаланиладиган қоришма ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Қувватларни янгилаб, илғор технологияларга ўтказиш технологияси ўзлаштирилди. Дастлабки уч ойда кўплаб техника табиий газ билан ишлашга мослаб, жиҳозланди.

Соатига 500 литр минерал сувни қадоқловчи "Сафар ҳожи инвест" хусусий корхонасини таъмирлаш ва созлаш якунланмоқда. Шу кунларда ичимлик суви ишлаб чиқариш бошланаётир.

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини кенгайтириш мақсадларига сарфланаётган маблағлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга киритилаётган инвестициялар миқдори ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 245,3 фоиз кўпайди. Қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 21 миллион сўмлик пудрат ишларини бажариб, ўсиш суръатини 226,1 фоиз кўтаришга эришдилар.

Шу кунларда Тақачи қишлоғига ўтсангиз, "Ўзметкомбинат" қурувчиларини қизғин иш устида кўрасиз. Улар намунавий лойиҳалар асосида 30 та янги уй қуришяпти. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 550 миллион сўм. Дастлабки уч ойда металлурглар 900 миллион сўмлик иш бажаришди.

Қисқаси, Бекобод туманида уч-тўрт йил илгари бошланган янгича ижтимоий-иқтисодий юксалиш байрам арафасида янада жўшқин тус олди. Давлат идоралари, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхона ва қурилиш ташкилотларида давр руҳини ҳис қилувчи, унинг шитобига тоб бериб, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга бел боғлаган кадрларнинг навқирон бўғини сафга кирмоқда. Юрт юкини ўз елкаларига олган бу мутахассис ва раҳбарлар ҳар соҳада ғайрат-ташаббус кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) "Зафарқурилишинвест" масъулияти чекланган жамиятида; (пастда) намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

КИРОЙИ ГУЗАР ШУНДАЙ БЎЛСА



Қизиғи шундаки, олди эндигина 2-3 та шох чиқарган дуркун кўчатларнинг аксарияти ҳозирданоқ гул чиқарди. Демак, фермер шу йилнинг ўзидаёқ анчагина нишона ҳосил олади, дейиш мумкин.

Дарвоқе, фермер янги боғ барпо этиш жараёнида қишлоқ гузарига ҳам ёрдам қўлини чўзди. 200 туп олма ва 30 туп арча кўчатини совға қилди. Бу билан ҳам қаноатланмай, хўжалик аъзоларини сафарбар этиб, кўчатларни ўзлари экиб беришди. Улар то ўрнашиб, амал олиб, ривожлангунича, барча парвариш ишларини ҳам ўз зиммаларига олишди.

Энди асосий гапга келсак, Тоҳиржон Сойлиқ қишлоғига кираверишдаги тепаликда маиший хизмат ва савдо мажмуаларидан иборат фермер хўжалиги гузарини бунёд этди. Бу замонавий янгилик билан хўжалик яна эл оғзига тушди. Замонавий дейишимизнинг боиси бор. Масалан, 40 ўринли ошхонада энг замонавий қулайликлар яратилган. Овқатлар озода электр печларда тайёрланади. Зал ҳам ҳўрандаларга хуш ёқиб, кайфиятларини кўтарадиган даражада безатилган. Барча мебеллар мустаҳкам, ташқи кўриниши ҳам киши эътиборини тортади.

Гузарда нафақат Сойлиқ, балки яқин-атрофдаги бошқа қишлоқлар аҳолисига ҳам манзур бўладиган савдо дўконлари мавжуд. Жумладан, қишлоқ аҳли барча керакли қурилиш ашёларини гузардаги ихтисослашган дўкондан олишади. Хонадон эгалари чорва моллари учун зарур дориларни шу ердаги ветеринария дорихонасидан харид қилишади. Энди улар ўз молларини ветеринария дўкони ёнида махсус барпо этилган пунктда сунъий уруғлантириш имкониятига ҳам эга бўлишди. Бу – қишлоқ оилаларида мол туёғини кўпайтиришнинг энг қулай ва ишончли усули.

Гўшт дўкони алоҳида таърифга лойиқ. Савдо хонасида икки жойга ҳаво совутгичлар ўрнатилади. Гўшт эса, дўкон остидаги чуқур ертўла, яъни табиий "музлаткич"да сақланади. Аниқроқ қилиб айтганда, аҳоли музлаган эмас, янги сўйилган гўшт истеъмол қилади.

Гузар ҳудуди ва атрофини ободонлаштиришни ҳам унутганлари йўқ. 1000 туп каштан кўчати, 2000 туп атиргул экилди. Улар амал олиб, барқ уриб ўсгач, бу жойлар қандай манзара касб этишини тасаввур этиш қийин эмас. Фермер хўжалиги гузарига олиб борувчи йўл четларига экилган арчалар ҳам 3-4 одам бўйига етиб, атрофга ўзгача ҳусн бахш этган. 20 тонна сиғимли баланд сув минораси қурилгани гузарни тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

– Буларнинг ҳаммаси керак, албатта, – дейди Тоҳиржон Рустамбоев. – Ахир одам меҳнат қилиш учун яшамайди, балки яшаш учун меҳнат қилади. Яхши ишлайдиган одам дид билан яшаши керак. Ҳозир шундай яшаш учун ҳамма шароиту имкониятлар бор. Меҳнатдан қочмайдиган, эринмайдиган фермер ёки тадбиркор ҳеч қачон эришганларидан қаноат ҳосил қилиб, изланишдан, интилишдан тўхтаб қолмайди. 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинишининг ўзи фермерму ишбилармонларга катта имкониятлар эшигини очиб берди. Шундан фойдаланиб, кўпдан бери ўйлаб юрган ниятларимизни аста-секин амалга ошираяпмиз. Жумладан, уч гектарли янги тутзор барпо этдик. Келгусида пилла етиштиришнинг ҳам мўмай даромад келтирадиган тармоққа айлантирмоқчимиз.

Энг муҳими, иш юритувчимиз Неъматжон Режаматов, тажрибали механизаторимиз Рўзимуҳаммад Софилов билан фикрни бир жойга қўйиб, товуқ фермаси қуришни ният қилдик. Ҳозир шуни қандай режалаштириш ҳақида ўйлаяпмиз.

Фермернинг бу ўй-режалари амалга ошса, яна ўнлаб янги иш ўринлари очилади. "Бирники мингга, мингники туманга" деганлари шуда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар) "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЮКСАК ҚАДРИЯТ – ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Юртимиз тинчлиги, унинг озодлиги учун курашган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, эсдалик совғалари топширилмоқда.

Шундай тадбирлардан бирини Қибрай молия ва иқтисодиёт коллежи жамоаси ҳам уюштирди. Тумандаги Салор шаҳарчаси, "Наврўз", "Ялангоч" ва "Салор ГЭС" маҳаллаларида истиқомат қилувчи фахрийлар совға-саломлар билан йўқланди. "Наврўз" маҳалласи Хотира майдони зиёрат қилиниб, Мотамсаро она ва номаълум аскар ҳайкаллари пойига гуллар қўйилди, ўтганлар руҳи ёд этилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ТАНЛОВ



ЭНГ ЯХШИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маънавий-ахлоқий қадриятларни асрашга йўналтирилган янги ахборот марказларини барпо этиш, улар фаолиятини яхшилаш, миллий, маънавий, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик ғояларига садоқатни тарғиб этиш мақсадида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 1500 дан ортиқ ахборот-ресурс марказлари ўқувчилар хизматида.

Янгийўлда улар ўртасида ташкил этилган танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган ахборот-ресурс маркази раҳбарларининг маърузалари, кўргазмалари, альбомлар, видеолавҳалар, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун нашр этилган дарслик, ўқув қўлланмалар, бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, электрон дарсликлар намойиш этилди.

Танловда Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ахборот-ресурс марказлари фаолияти алоҳида эътироф этилди. Қувонарлиси, вилоятимиздан иштирок этган Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Иноятхон Солиеванинг ишлари фахрли 3-ўринга муносиб деб топилди.

Сайёра ЭШМАТОВА. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2010»

танлови давом этмоқда!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган ва ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тақдирият тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. "E-mail: ijod@sarkor.uz"

«НИҲОЛ – 2011»



КУЙЛАНГ, ДЎСТЛАР, КУЙЛАНГ...

Юртимизнинг истеъдодли ёшлари, соҳир овоз соҳибларига аталган кўрик-танловлардан бири "Ниҳол" иштирокчилари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Қибрайда танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Бўстонлиқ, Қибрай, Юқоричирчиқ, Паркент туманлари ва Чирчиқ шаҳри ёшлари иштирок этишди. Мумтоз қўшиқчилик, эстрада, опера, мусиқа ва рақс йўналишларидаги чиқишларни нуфузли ҳакамлар ҳайъати – Ўзбекистон санъат арбоблари, хизмат кўрсатган маданият ходимлари, бастакор ва балетмейстерлар баҳолаб боришди.

Шаҳар, туман босқичи ғолибларидан иборат 45 иштирокчининг 9 нафари вилоят миқёсидаги танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қибрай, Паркент туманлари ва Чирчиқ шаҳри ёшлари ғолибликка лойиқ топилди.

Саида РАҲМАТОВА.

СУРАТДА: қибрайлик танлов ғолибларидан бири, мумтоз қўшиқ ижрочиси Дилдора Ғафурова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ҲАМКОРЛИКДА КУРАШГАН МАЪҚУЛ

Республика Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги ташаббуси билан "Одам савдосига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар сарҳисоби, бу йўналишда ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш: амалиёт ва муаммолар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимиз одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга барҳам беришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиб, асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда одам савдосига қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини янада кучайтириш жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Саид АСҚАРОВ.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

5-9-синф ўқувчилари ўртасида она тили ва адабиёт, математика, биология, география, инглиз тили, тарих, информатика фанларидан илк бор билимлар беллашуви ўтказилди.

Мактаб босқичида ғолиб бўлган 31 минг 889 ўқувчи туман босқичида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 724 нафари вилоят босқичида иштирок этди.

Билимлар беллашувининг учинчи – вилоят босқичида 37 ўқувчи ғолиб бўлиб, улар республика босқичида иштирок этдилар.

Учинчи босқичда дастлабки учта ўринни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Уларнинг ёзги таътилда оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилиб, олим ва мутахассислар иштирокида мастер класс учрашувлари, фан кечалари, турли викториналар, мусобақа ва танловлар ўтказилади.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz



Бугун Бекобод туманида ҳамма тадбиркор, ҳамма ишбилармон, десак муболаға бўлмас. Зафар шаҳарчаси, чекка-чекка қишлоқ хонадонларига кириб суҳбатлашсангиз, ҳокимликнинг тадбиркорларни рўйхатга олиш бўлими ёки савдо-саноат палатасининг ахборот-маслаҳат марказидаги

молхона ва бостирмалар қурдик. Ҳар бир сигирдан 12-15 литрга етказиб сут соғиб олаяпмиз.

Лекин асосий тармоқ – пахтачилик билан ғаллачилик. Пахтадан 47-48, ғўғдойдан 55-60 центнергача ҳосил олаяпмиз. Бунинг учун давлатимиз кенг йўл очиб бераяпти, имтиёзли кредитлар олаяпмиз, лизингнинг ёрдами катта. Бугун Россия ва бошқа хорижий мамлакатларда, ўз заводларимизда ишлаб чиқарилган 4 та занжирли ҳайдов, 6 та ишлов, 5 та транспорт тракторларига, битта "Ньюхолм" дон комбайнига эгамиз.

мон Асрорқулов, тадбиркор Отабек Рустамов, юқори ҳосил устаси Тошпўлат Маматқулов, агроном Байдулла Холматов билан суҳбат чоғида ҳам ўз меҳнатидан шундай ғурурланиш, пировард натижа учун жавобгарлик ҳиссини сездик.

Шундай масъулиятли инсонларнинг ғайрат-шижоати билан ўтган йили 178 миллиард 289 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Йиллик ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этди. Давлатга пахта, ғалла, пилла сотиш режалари ошириб бажарилди. Фермер ва деҳқон хўжаликларни семиртириб, ғишт, цемент, металл заводларига шартнома асосида 18 тонна парранда гўшти етказиб бердик.

... "Торнадо тўлқинлари" хусусий паррандачилик фермаси соҳиби Отабек Раҳимов билан февраль ойидаги учрашувимиз чоғида у шундай деганди:

– 40 миллион сўм кредит олиб, қисқа фурсатда буюртмачиларга кунига 4-5 минг донагача тухум етказиб бера бошладик. Яна иккита паррандахона қураяпмиз. 137 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак. У битгач, бирйўла паррандахоналар ташкил этиш учун ажратилаётган кредит ҳам кўпайиб бормоқда. Айни пайтда чорвадор ва паррандабоқарларга сервис хизматлари кўрсатувчи 13 та ветеринария пункти ишлаб турибди. Шундан 7 тасида сунъий уруғлантириш йўлга қўйилган.

"Гулзода Нигинабону" хусусий корхонаси раҳбари Гулзода ПЎЛАТОВА:

– Корхонамиз кийим, боғча болалари учун либослар, теримчиларга этак тикишга ихтисослашган. Касаначи аёллар билан ишлашни ҳам кенгайтираяпмиз. Натижада

Бекобод тумани:

ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ

3. Изланиш муваффақият келтирмоқда

жараёнларни кузатсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Одамлар бозор муносабатларига монанд жадал янгиланиб бораётган ҳаётимизга янгича кўз билан қараб, истиқомат жойларини орасталаб обод қилишга, мустақил давлат ва эркин жамият яратиб бераётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз турмушларини файзли, фаровон қилишга, шу орқали эл, юрт, Ватанни равнақ топтиришга киришганларига иқрор бўласиз. Буни томорқалардаги эрта-индин гулга кирадиган эртаги картошка жўякларида, фермер ва деҳқон хўжаликлари шу кўклам барпо этган мевали боғларда бўй ола бошлаган кўчатларда, енгил шабадада селпиниб турган текис буғдой бошоқларида, чин барг ёзиб, биринчи культивациядан кейин далани яшнатиб юборган ғўза қаторларида яққол кўриш мумкин. Одамларда меҳнатга, ҳаётга, фарзандлар келажагига, юрт истиқболига муносабат ўзгарган. Буни улар билан суҳбатлар чоғида аниқ ҳис қилдик.







Фермер Дониёр НОРМАТОВ:

– Биз ака-укалар уста пахтакор сифатида танилган бригадир Элиқўзи отамизнинг этакларини тутиб, болаликдан улар билан далама-дала кезиб, деҳқон меҳнати ҳақидаги ҳикояларини тинглаб ўсдик. Мустақил Ўзбекистонимиз қадди-бастини жаҳонга кўз-кўз қила бошлаган йилларда ўқиб-ўқлайдик, фермер хўжалигимизни ташкил этдик. Сўнгги йиллардаги оптималлаштириш жараёнида еримиз 670 гектарга етди.

Фермер борки, боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик, маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйишга интилиши керак. Бу йил 8,8 гектар майдонда мевали боғ барпо этдик. Сербиядан олиб келинган олма, нок, гилос ва бошқа пакана мева кўчатлари дуркун ўсаяпти.

Дастлаб Украинадан 23 бош зотдор бўғоз ғунажин олиб, сутчилик фермаси ташкил этган эдик. Икки йилда қорамолларимиз 50 бошдан ошди. Кенг, баланд

... Бекободда бундай мўл ҳосил усталари, тажрибали ғаллакорлар, миришкор боғбонлар оз эмас. Улар бой тажрибалари, ерни эъзозлаш анъаналарини ёшларга сингдириб, янги агротехник усулларни жорий этиб, барқарор юқори ҳосил етиштиришяпти.

"Элиқўзи ота", "Жаҳон Жамол Олов", "Нормат ота", "Мархамат Саломат", "Қурбон Иброҳимов", "Ҳосилот Бўронов Раим", "Ҳақиқат кучи", "Зокиржон", "Абдурашидов", "Юсуф ота", "Бойбўта"... Пахта, ғалла ҳосили, чорва маҳсулотларини кўпайтириб бораётган бу фермер хўжаликларини номма-ном тилга олиб, туман ҳокими оҳиста:

– Яна давом этаверайми? – деб сўради.

Унинг чеҳрасида ўз ишидан кўнгли кўтарилиб бораётган раҳбарнинг мамнунлигию фахр-ифтихори ҳам, юксак масъулиятию жавобгарлик туйғуси ҳам шундайгина сезилиб турарди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Гулмурод Ғуломов ёки мелиоратор Абдумутал Хўжамуродов, қишлоқ хўжалик машиналари механиги Акбаржон Абдуллаев, механизатор Қаҳрлари 17 минг тоннага яқин картошка, 150 минг тоннадан зиёд сабзавот, 11 минг тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари, деярли 6 минг тонна мева етказиб берди.

Бу йил туман пахтакорлари 15700 гектар майдонда пахта, 13700 гектар майдонда ғалла, 2,5 минг гектар майдонда шоли етиштиришяпти.

"Бекобод қўрғони" фермер хўжалигининг "SHOHONA JO'JALAR" корхонаси ишчиси Гулшаной ХУДОЙБЕРДИЕВА:

– Тадбиркор Исматилла ака Дадабоев парранда гўшти етиштиришга ихтисослашган бу корхонани барпо этиш учун кўп маблағ, катта меҳнат сарфлади. Жўжалар жадал усулда боқилаётган тўққизта цехда 22 киши ишлаяпмиз. Ишчилар кеча-кундуз навбатма-навбат ишлаши учун қулай шароитлар яратилган. Шу йилнинг февраль ойида боқишга қўйилган биринчи жўжа-

уй бекалари қўшимча даромадли бўлишаяпти.

... Меҳнатобод, Хос, Тақачи, Деҳқонобод ва бошқа қишлоқларда, Зафар шаҳарчасида тадбиркорликка дадил киришаётганлар кўп. Шу йилнинг ўзида 345 та якка тартибда шуғулланаётган, 370 та ҳуқуқий мақомга эга кичик корхона ёки хусусий фирма очган тадбиркорлар рўйхатга олинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг дастлабки икки ойида Ҳавасхон Парпиева, Гулойим Тожибоева сингари юздан ортиқ аёллар якка тартибда тадбиркорлик билан шуғуллана бошлашди.

Умуман, туманда 2000 дан ортиқ бизнес субъектлари маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо, транспорт ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатаётир. Натижада уч ойда 764 киши ишли бўлди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини бажариш тадбирлари учун 5 миллиард 209 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Унинг 416,8 миллион сўми корхона маблағлари, 4 миллиард 787,4 миллион сўми банк кредитлари. Фақат биринчи чоракнинг ўзида кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 968 миллион сўмдан кўпроқ кредит берилди. Аҳолига паррандачилик, чорвачиликни ривожлантириш, қорамол ва минерал ўғит сотиб олиш учун кўп миқдорда кредитлар ажратилаётир.

Хос қишлоғида хусусий тадбиркор Ибодат Низаева "Учқунжон-Мухлисахон" хусусий корхонасини ташкил этиб, тикув ва кондитер цехлари, гўзаллик салони очиш ҳаракатида. Бунинг учун "Агробанк"дан 50 миллион сўм кредит олди. Шу кунларда қурилиш ишлари жадал. Истиқболли бу лойиҳа тўла амалга ошса, 15 киши доимий иш билан таъминланади.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) "Элиқўзи ота" фермер хўжалиги чорвадорлари ҳамиша қизғин иш устида; (пастда) "SHOHONA JO'JALAR" корхонаси ишчиси Гулшаной Худойбердиева ҳамкасблари билан.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

XXI аср ва ДУНЁ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

AFP агентлиги Франция бюджети масалалари бўйича вазир Франсуа Баруэннинг гапига таяниб, навбатдаги президент сайловлари ўтказиладиган сана белгиланганини маълум қилди.

Биринчи тур сайлов 2012 йил 22 апрелда, иккинчи тур 6 майда бўлиб ўтади. Шунингдек, парламентнинг ҳар икки палатасига сайловлар муддати ҳам аниқланди. Баруэннинг айтишича, Сенат (юқори палата)га сайловлар 2011 йил 25 сентябрда, депутатлар сайлови эса, 2012 йил 10 ва 17 июнда бўлади.

Таҳлилчиларнинг тахминларича, ўнгцентристлар вакили, амалдаги президент Николя Саркози иккинчи беш йиллик муддатга ўз номзодини қўяди. Социалистик партия ва ультраўнг "Миллий фронт" номзодлари унинг асосий рақиблари бўлади. Халқаро валюта фонди бошлиғи Доминик Стросс-Кан, "Миллий фронт"дан партиянинг етакчиси, шу партия асосчиси Жан-Мари Ле Пеннинг қизи Марин Ле Пен президент лавозимига асосий даъвогарлар сифатида тилга олинмоқда.

Тахминий тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, сайловчиларнинг Стросс-Канга ишончлари ҳукмдор ўнгцентристларга нисбатан юқорироқ. Бундан ташқари, французлар президент курсисида Саркозига нисбатан Марин Ле Пенни кўришни афзал билишади.

ДАНИЯ ЧЕГАРАНИ ЁПМОҚЧИ

Дания ҳукумати Германия ва Швеция билан ички Европа чегараларида чегара ва божхона назоратини қайта тиклашга қарор қилди.

AFP агентлиги тарқатган маълумотга кўра, мамлакат молия вазири Клаус Хьорт Фредериксен 11 май куни шу ҳақда баён қилган. Унинг гапига қараганда, ўзга юртлардан кириб келаётган қочоқлар жиноятчилик кўпайишига сабаб бўлишяпти.

Associated Pressнинг ёзишича, йўлларда, денгиз портлари ва аэропортларда ҳам янги назорат-ўтказиш постлари қуриш мўлжалланаяпти. Бунинг учун бюджетдан 270 миллион крон (52 миллион доллар) ажратилган. Назорат уч ҳафта ичида қайта йўлга қўйилади.

Шенген битими аъзолари бўлган қатор давлатлар илгарироқ очиқ чегаралар масаласини кўриб чиқиш зарурлигини айтган эдилар. Бу ҳам Шимолий Африкадан оқиб келаётган қочоқлар масаласи билан боғлиқ эди.

НИГОҲ

ДУНЁНИ КУЛДИРАЁТГАН ҚИРҒИЗЧА «НОУ-ХАУ»

Қирғизистоннинг сиёсатдонлари ўзлари ўйлаб топаётган "ноу-хау"лари билан бутун дунёнинг кулгисини қистатмоқдалар. Давлат бошқарувининг билимсизлиги ҳалокатли оқибатларга олиб келиши янгилик эмас. Азал-азалдан шундай бўлиб келган. Лекин, кейинги пайтларда Қирғизистонда нималар бўлаётганини на мантиқий тушунтириб ва на изоҳлаб бўлади.

Навбатдаги "демократик инқилоб" тўлқинида давлат тепасига қалқиб чиққанлар, афтидан, давлатни бошқариш нима эканлигини идрок қилолмайдиган кўринадилар. Улар ҳокимият тепасига чиқиб олиб, энди пароканда-ликка учраб бўлган мамлакатни нима қилишни билмаяптилар. Ҳокимиятга эга амалдорлар оғзига келганини гапирса ҳам ҳеч нима бўлмайди. Аммо, Қирғизистон кулгига қолаяпти. Шунга қарамай, бу ҳолат ҳукмдорларни ва уларнинг дардисар экспертларини заррача хавотирга солмаяпти.

Масалан, Иқтисодиётни ривожлантириш давлат фонди ходими Уран Чекирбоев Қирғизистонни бўлак-бўлак қилиб, ижарага бериш керак, деган таклиф киритди. Эмишки, ўзимизнинг амалдорларимиз бошқаролмас эканлар, унда бутун дунё қўлидан келганча ёрдам берсин. Айтайлик, АҚШ молия соҳасини изга солсин. Исроил махсус кучлар тизимида, Скандинавия мамлакатлари эса ижтимоий соҳада тартиб ўрнатсин. Шу тариқа кўпчилик бўлиб буюк давлат – Қирғизистон Кўшма Штатларини қуриб беришади. Бундай қилиш амалда давлатни ихтиёрий равишда ташқи бошқарувга топшириш ва мустақилликни бой бериш эканлиги эса Чекирбоевни мутлақо ажаблантирмайди. Уни ақл бовар қилмайдиган бундай келишувдан келадиган фойда қизиқтиради. Чекирбоев ҳар битта вилоят учун бирйўла икки миллиарддан ўн миллиард долларгача олмоқчи. Бу миллиардлар амалдорлар миясини шу даражада хиралаштириб қўйдики, уни тезроқ қўлга киритиш учун оғизларига келганини алжираяптилар. Гўё бунга эришилса, ишлашнинг ҳам ҳожати бўлмасмиш. Дарвоқе, ҳозир ҳам амалдорлар ўзларини ортиқча уринтирмай, халқ бойлиги ҳисобидан яшашга тиришяптилар.

Бу ғоя хомхаёл эканлигини, ҳатто, мактаб ўқувчиси ҳам тушунади. Биринчидан, йўқдан бор бўлмаганидек, на АҚШ, на Исроил ва на Скандинавия мамлакатлари бирор нарса қилолмайдилар. АҚШда молия соҳаси шундай йўлга қўйилганки, доллар кўп йиллардан буён жаҳондаги етакчи валюта захираси ҳисобланади ва ҳамма мамлакатларда муомалада бўлиб келаяпти. Бунга қўшимча, мамлакат иқтисодиёти жуда салоҳиятли. Бундай қудрат ҳали Қирғизистоннинг тушига ҳам кирмаган. Қирғиз сомси хорижда сувенирликка яраса ҳам катта гап. Советлар даврида барпо этилган қолоқ саноат негизида кучли молия тизимини яратиб бўлмайди. Кучли махсус хизматлар тизимини барпо этиш учун пул ва бошқа ресурслар, қайсики, Исроилда бор бўлган тармоқлар керак. Скандинавияда ижтимоий фаровонликка катта солиқлар ҳамда аҳолининг юксак даромадлари ҳисобига эришилади.

Чекирбоевнинг ғояси бўйича эса, буларнинг ҳаммаси мўъжизали тарзда юз бериши керак. Айтайлик, ривожланган мамлакатлар Қирғизистон ерларини ижарага олиш учун навбатга турадилар. Амалдорларимиз унумдор ерларимизни ижарага беришдан келган пуллар ҳисобига Европа ёки АҚШга бориб, ўйнаб-кулиб яшайдилар.

Бу – жуда чиройли эртак. Аммо, бундай чўпчаклар билан бутун дунёни кулдириш нимага керак. Агар иқтисодиётни бундай йўл билан кўтариш мумкин бўлганида, барча суст ривожланган мамлакатлар ўз ерларини аллақачон ижарага бўлиб берган бўлмасмиди. Бунинг хом хаёл эканини ҳамма билади ва Чекирбоев ўз юртини бутун дунё олдида шу тариқа ноқулай аҳволда қолдирди.

Бироқ, у биринчи ҳам, охиргиси ҳам эмас. Биз божхона назорати департаменти директорининг ўринбосари гиёҳвандликка қарши курашиш учун бу модаларни афғон ишлаб чиқарувчиларидан улгуржи сотиб олишни таклиф қилганини яхши эслаймиз. Жуда зўр. Лекин, яна ҳаммаси ўзгалар, яъни Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳисобига. Бундай йўл билан фақат гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мумкинлигини ташаббускор божхоначи ҳисобга олмаган.

Собиқ (хайрият) адлия вазири Марат Кайиповнинг гапи янада зўр, аммо қуруқ сафсата: "Агар давлат ўз фуқаролари хавфсизлигини таъминлай олмаса, уларга қурол-яроғ тарқатиш керак". Демак, давлатимиз (амалдорларимиз деса ҳам бўлади) ҳеч нарса қилолмайди, фақат халқнинг пули ҳисобига яхши яшашни эплайди. Биз саноатни, махсус хизмат, молия ва ижтимоий муҳофаза тизимини рисоладагидек барпо этолмаймиз, наркомафияга қарши курашолмаймиз, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашга кучимиз етмайди. Бу ишларни биз учун кимлардир қилиши керак. Қизиғи шуки, бу гапларни мамлакат учун масъул кишилар айтишяпти.

Тараққиёт фонди ходими мамлакатни бўлиб-бўлиб ижарага бериб юборишни жиддий тарзда таклиф қилса-ю, "Нега кечирим сўрар эканман, бу – менинг нуқтаи назарим" деб турса, бизнинг иқтисодиётимиз ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Нима ҳам дердик. Бир машҳур фильмда айтилганидек: "Агар одам овсар бўлса, у бир умр шундай бўлиб қолади". Тўғри, бу бироз қўполроқ, аммо бошқа сўз бўлмаса, на чора.

Бу дардисар раҳбарлар оғзиларига келганини алжираб, нега бутун халқни кулгига қўймоқдалар?! Мамлакат учун ачинасан киши. Улар фақат ўзгалар чўнтагидаги пулларни санашнигина боплайдилар. Масалан, Жогорку Кенеш депутати Нурлан Торобеков элчихоналар учун бинолар ижарасига бюджетдан кетаётган маблағ миқдори юзасидан норозилик билдирди: "Бизнинг дипломатия ходимларимиз бюджет пуллари ҳисобига истаганларича яшашга ўрганиб қолдилар. Нега улар бошқа манбалардан маблағ изламайдилар?" Дипломатлар элчихона учун бино ижарасига бошқа манбалардан маблағ излашга ҳақлари йўқ эканлигини бу депутат наҳотки, билмаса? Ахир элчихона ҳудуди халқаро ҳуқуқий меъёрларга кўра, Қирғизистон ҳудуди ҳисобланади-ку.

Ҳа, шу тариқа, ёркин келажакка умид боғлаб яшаяпмиз. Аммо, бундай раҳбарлар билан қандай келажак бўлиши мумкин? Улар гапларини қачон ўйлаб гапирадиган бўлишади? Халқ бежиз айтмайди: "Сўз қуш эмас, оғзингдан чиққач қайта тутолмайсан" деб. Сиёсатчи ёки амалдорнинг сўзи эса бутун мамлакат обрў ва нуфузига таъсир этиши мумкин.

Алмазбек КАҚЧЕКЕЕВ.
www.centrasia.ru

ИСПАНИЯДА ЕР СИЛКИНДИ

11 май куни юз берган зилзила натижасида, аниқлик киритилган маълумотларга қараганда, ўн киши ҳалок бўлди. AFP агентлиги маҳаллий ҳокимият вакилларига таяниб, шу ҳақда хабар тарқатди.

Лорка шаҳрида кўплаб бинолар, шу жумладан, ўрта асрларда қурилган черков шикастланди, ўнлаб автомашиналар вайронлар остида қолди.

Шаҳарнинг тарихий марказини полиция ўраб олиб, аҳолини кўчирмоқда. Гувоҳлар табиий офатдан шикастланганлар кўплигини айтишмоқда. Бироқ қанча аҳоли жароҳатланган аниқ айтилмаяпти.

Испания бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро ҳалокат жойига армия бўлинмаларини жўнатиш ҳақида фармойиш берди. Ҳарбийлар табиий офат оқибатларини бартараф этишда қатнашадилар.

АҚШ геология хизматининг айтишича, ер 5,1 магнитуда куч билан силкинган. Орадан икки соат ўтиб, қайта юз берган зилзиланинг кучи 4,4 магнитуда бўлган. Бу мамлакатда кейинги ярим аср ичида қурбонлар сони жиҳатидан энг кучли зилзила деб баҳоланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазар тумани СИБ томонидан 29.10.2010 йилдаги № 1-6248/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Медгородок даҳасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 82,72 кв.м. бўлган, 2 хонадон иборат 16-В уй, 4-хонадон уй-жой қўйилмоқда, бошланғич нархи - 28 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 16 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 7 июль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 2 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уй "Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10.09.2008 йилдаги № 1-562/08-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 30 Р 06-14 бўлган "ВАЗ-2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 714 026 сўм. 2. 05.12.2009 йилдаги № 1-900/09-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 30 С 61-42 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 285 773 сўм. 3. 26.09.2010 йилдаги № 1-504/09-сон ижро варақасига асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 AZ 071 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 16 721 033 сўм. 4. 30.04.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 30 G 50-81 бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 894 368 сўм. 5. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан, Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав.белгисиз бўлган "Тойота РАВ-4" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 17 670 679 сўм. 6. 31.07.2007 йилдаги № 1-364-09-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 К 86-14 бўлган "ВАЗ-21033" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 074 769 сўм. 7. 14.05.2008 йилдаги № 1-197-08-сон ижро варақасига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 J 47-22 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 516 560 сўм. 8. 29.12.2008 йилдаги № 1-765-08-сон ижро варақасига асосан, 1989 йилда и/ч., дав.бел. 30 I 89 85 бўлган "Маз 54322" русумли автотранспорт ва 1989 йилда и/ч., дав.бел. 10 С 364 бўлган "Маз 9397" тиркама воситалари, бош. нархи - 14 842 281 сўм. 9. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав.бел. 10 У 878 бўлган "Фиат Темпра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 638 052 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 04.03.2010 йилдаги 2-036-10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Иззат кўчасида жойлашган, ум. ер майдони 450 кв.м. бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат бўлган 34-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош.нархи - 75 860 879 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда "Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган 03.09.2010 йилдаги № 1-612/10-сон ижро варақ. асосан, 2008 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. ЛТЗ-60 АБ-10 бўлган трактор воситаси, бош. нархи - 27 231 390 сўм.

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан УК "Газчитранс" автокорхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан 1985 йилда и/ч., дав.бел. 18 S 7789 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 961 518 сўм. 2. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 18 АЕ 862 бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 773 260 сўм. 3. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 10 G 059 бўлган "Frueyauf" русумли тиркама воситаси, бош. нархи - 14 676 377 сўм. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 28.10.2010 йилдаги № 26505/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган, 3 та яшаш хонасидан иборат, майдони 140,10 кв.м. бўлган 115-Б уй (жой) қўйилмоқда, бош. нархи - 66 700 000 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 27.10.2010 йилдаги 1-5510/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 20-мавзеда жойлашган 8-уй, 17-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи - 55 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан 30.04.2010 йилдаги № 2099-сон ижро ҳужжат. асосан, Тошкент вилояти суд департаменти биносида сақланаётган, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 17 Х 7843 бўлган "Камаз-55102" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 15 547 487 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан "Шайхонтоҳур Инвест" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. 15.11.2010 йилдаги 16161/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 F 626 СА бўлган "Каптива" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи - 47 040 000 сўм.

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 23.11.2010 йилдаги № 5-1343-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти ,Янгийўл тумани, "Гулбаҳор Матлубот савдо" омборида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. Х 428 CSN бўлган "Мерседес Бенц 200" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 11 749 320 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Бекобод тумани:

ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ

4. Навқирон авлод камоли



Ҳар бир инсон фарзандлари камолида ўз келажагини кўради. Шунинг учун ўғил-қизларини эл-юрти ва



она Ватанининг муқаддас қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари руҳида тарбиялаш йўлида жон куйдиради.

Давлат ва жамият ҳам шундай. "Баркамол авлод йили" туман дастурини амалга ошириш учун белгиланганидан анча кўп – деярли 12,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, касб-ҳунар ва ўрта умумтаълим мактабларининг моддий ва ўқув-тарбия негизини янгилаш дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши баркамол авлод тарбиясини юксак даражага кўтарди. 24 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди ёки мукаммал таъмирланди. Уларда янги педагогик технологиялар тўла жорий этилди, барча мактаб ва коллежлар компьютер жиҳозлари билан тўла таъминланди.

Бугун туман ёшлари 7 та коллежда билим олиб, касб-ҳунар ўрганишаяпти. "Ўзметкомбинат" қурувчи ва монтажчилари Ойбек қишлоғида техника-иқтисодиёт коллежи учун 435 ўринли янги бинони қисқа фурсатда қуриб беришди. Бунинг учун 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу кунларда "Қувасой" шўъба корхонаси бинокорлари Деҳқонободдаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи биносини пардозлаш, электр ускуналарини ўрнатиш ва пол тўшашни охирига етказишаяпти. Мамлакатимиз мустақиллиги нишонланаётган кунларда янги таълим масканида 540 ўқувчи замонавий касбларни эгаллашга киришади.

"Иқтидор", "Келажак овози" сингари кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида иқтидорли ёшлар тобора фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежида иқтидорли ўқувчи Мадина Эрқулова ўзи бичиб-тиккан миллий либослар кўргазмасини ўтказди.

Болалар спортини ривожлантириш йўлида кўпгина лойиҳалар амалга оширилди, ўнлаб ёпиқ спорт заллари, футбол, баскетбол ва волейбол майдонлари барпо этилди. Шу кунларда 18-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам машғулотларни янги қурилган спорт залида ўтказишяпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Акром Ғозиев, Қаҳрамон Сангинов, Шуҳрат Расулов сингари мураббийлар моҳир футболчиларни тарбиялаб етиштиришмоқда. Яқинда ўтказилган мусобақада уларнинг шогирдлари ғолиб чиқишди. Шашкачиларнинг очиқ чемпионатида эса, 24-мактаб ўқувчиси Фарҳод Мамаюсупов биринчи ўринни эгаллади. Меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида ўтказилаётган саломатлик кунлари ёшларнинг жисмоний чиниқишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунончи, "Зафар" марказий ўйингоҳида педагогика коллежи ташкил этган шундай кўрикда ўқувчилардан В. Турсуналиев, Р. Раҳмонова, А. Бобожонов, Ф. Абдувоҳидов, Ю. Маҳкамова мутлақ ғолиб бўлишди.

Хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш учун турли мусобақа ва спартакиадалар уюштириляпти.

– Қиёт қишлоғида ўтказилган спорт мусобақасига жуда кўп томошабин тўпланди, – дейди 46-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Раҳима Бойтемирова. – Унда хотин-қиз ўқитувчилар иштирок этиб, спортнинг беш тури бўйича ғолиблик учун курашишди. Мактабимиз вакиллари бу мусобақаларда биринчи ўринни эгаллашди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга Бекобод металлургларининг ҳиссаси қўшишаяпти. "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси мустақиллик йилларида Зафар шаҳарчаси ва кўпгина қишлоқларда шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари учун янги бинолар қуриб, фойдаланишга топширди. Бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи 23 та қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли марказий поликлиника, икки шифохонада тиббий хизмат ва муолажа бугунги талаблар даражасига кўтарилди.

Қишлоқ врачлик пунктлари сўнгги бир йилда "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида 29 турда тиббий асбоб-ускуналар, 11 турда тиббий жиҳозлар олди. Ўрикзор ва Қушчи қишлоқ врачлик пунктлари ҳам шу лойиҳа доирасида тўла таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Шу кунларда олис-яқин қишлоқларнинг аҳолисига 10 та тез тиббий ёрдам гуруҳи хизмат кўрсатмоқда. "Соғлом она – соғлом бола" дастури доирасидаги ишлар кенгаяётир. Аҳолининг тиббий маданиятини кўтаришга қаратилган чоратадбирлар яхши самара бераяпти.

Бекобод қишлоқларида ҳар соҳада фаол янги авлод камол топмоқда. Билимдон, меҳнатга чанқоқ бу ёшлар, ҳеч шубҳасиз, эл-юртга садоқат билан хизмат қилиб, Бекободни барқарор тараққиёт йўлига олиб чиқадилар.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.





ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

КЕЧИККАН ПУШАЙМОНЛИК

Малика бугун яна Исмоилнинг жиғига тегиб, бўлар-бўлмасга минғир-минғир қилди. Исмоил хотинининг бу хурмача қилиғига чидай олмай, эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетди-ю, ўйланиб қолди:

– Ҳўш, қаёққа бораман, дардимни ким тинглаб, ким даво бўлади? – у оёқларини судраб қўшни маҳалладаги аммасиникига йўл олди. – Нима бўлганда ҳам аммам, ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўзини эшитиб қайтарман.

Бироқ аммаси билан дардлашиш имкони бўлмади. Меҳмонлар билан кўнгилхушлашиб ўтирди, "қиттак-қиттак" қилиб, дардини бироз унутди.

Эрта саҳарда туриб, уйига йўл олди. Эшик олдида бироз каловланиб туриб, тақиллатди. Ҳадеганда овоз бўлавермагач, девордан ошиб уйга кирди. Болалари ухлаб ётишибди, Малика эса йўқ. Кечагидан кейин боши ари уясидек ғувиллаб турган Исмоил ўзини каравотга ташлади. Шу куни кечгача Маликадан дарак бўлмади. Болалари ўзи пиширириб, ўзи куйдириб, бир амаллаб қоринларини тўйғазишди. Эртасига тушга яқин Малика келди. Эшикдан киришидан қовоғини уйиб, қўлига тушган нарсани отди. Кейин Исмоилга:

– Бундай ҳаёт жонимга тегди, эркак бўлиб на топиш-тутишингизда, на ишингизда унум бор, 4 болани оёққа турғазаман деб ўлиб кетаяпман. Бўлди, етар, сиз билан ортиқ яшай олмайман, ажрашаман. Эртагаёқ судга ариза бераман, – деб туриб олди.

Исмоил у деса бу деди, бу деса у деди, тушунтиришга йўл қўймади. Эртасига Малика айтганини қилиб, судга ариза берди. Номусга чидамаган Исмоил уйини хотинининг номига хатлаб бериб, ўзи опасиникига кўчиб кетди. Малика сенларни отанг боқсин, бир менга керакмисанлар, деб икки боласини эрининг орқасидан жўнатди. Кичик қизини синглисиникига, ўғлини опасиникига "меҳмон"га юборди-ю, улар ҳақида батамом унутди. Тез орада ҳовли-жойини сотиб, шаҳарлик аёлнинг бир хонали квартирасида ижарага яшай бошлади. Энди уни тўрт боланинг на ўқиши, на еб-ичиши, на кийиниши қизиқтирарди. Исмоил эса ҳар ойда алимент тўлар, шу пуллар болалари учун сарфланаётганига умид қиларди. Бироқ, кунларнинг бирида дўстидан бўлган воқеани эшитиб, қони қайнаб кетди. Маликанинг яшаш жойини аниқлаб, излаб борди. Исмоилнинг важоҳатини кўрган хотини ўз айбини яшириш учун "додвой" қилиб бошига қўшнилариға йиғди, "тинчимти" деб участка назирига шикоят ёзди. Исмоил бу ноҳақликка чидай олмай, яна судга борди. Ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, номусини сотиб юрган хотинини инсофга чақиришни сўраб, илтимос қилди. Лекин бу гал ҳам Малика маккорлик, устомонлик қилди. Кўзёш тўкиб: "Болаларимни ўзим олиб кетаман, уларни вақтинча меҳмонга жўнатган эдим. Бетобман", деб минг хил ҳунар кўрсатиб, ўзини оқлаб олди.

Қилғиликни қилган сурнайчи-ю, балога қолган карнайчи, деганларидек, яна таъна тошлари Исмоилнинг бошига ёғди. У фарзандлари учун нима қилса, бари бехуда кетаверди. Болаларини унга беришларини сўраб қилган илтимослари рад этилди. Чунки болалар она билан қолиши керак. Маликанинг ошиғи олчи, айтгани-айтган, дегани-деган, ҳамма унга ишонарди. Охири бу беҳуда ҳаракатлар Исмоилнинг жонига тегди. Энди у барчасига қўл силтаб, икки боласини боқиб, иккитасига "алимент" тўлаб, тинч яшашни ўйлаб қўйди. Бироқ тайёргина ҳовли-жойидан, бундан ташқари, ишидан ажралганини унинг қийнаб қўйди. Ҳалиям опаси, поччаси бор экан. Оғир кунларда ёрдамларини аяшмади. Исмоилнинг болаларини ўзлариникидек кўриб, қорнини тўйғазиб, эгнини бутлашга ёрдам беришди. Бу орада Исмоил ҳам ўзига яраша ишнинг бошидан тутди. Яхши топиб, яхши ейдиган бўлди. Лекин болаларига қийин. Отам, деса онасини, онам деса отасини соғинади.

Малика эса беҳаёлик ботқоғига кун сайин ботиб борарди. У тўғри келган эркак билан бир-икки ой яшар, на уйида, на оиласи ва на рўзғорида барака бор эди. Йиллар ўтиб, у ҳаммага кераксиз, ташландиқ бир буюмдек бўлиб қолди. Исмоилнинг топиш-тутиши яхши бўлиб қолганини эшитиб, ярашайлик, ҳар ҳолда болаларимиз бор, деб ялиниб борди. Бироқ, Исмоил уни кечира олмади. Йўқ, нафақат кечира олмади, балки уни кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамади. Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас экан. Қийин кунларда уни, болаларини унутиб, енгил-елпи ҳаёт кечириб, беш кунлик кайфу сафо деб оиласини унутган бу аёлни кечириб бўлмас. Энди Маликанинг юраги изтиробга тўлган, борай деса на уйи, на рўзғори бор. Бу изтироб бутун умр уни тарк этмаслигини ўйласа, юраги орқага тортиб кетади. Бироқ синган кўнгилни чегалаб бўлмайди. Сўнгги пушаймони Маликага душман бўлиб қолди...

Наргиза ЮНУСОВА.

БЕКАЖОН

«ТОҒЧА» ТОРТИ

Керакли масаллиқлар: творог – 1 кг., қуюлтирилган сут – 1 банка, лимон кукуни – 1 та, қаймоқ – 1 стакан.

Тайёрлаш: творог билан қуюлтирилган сут яхшилаб аралаштирилади, лимон кукуни қўшилгач, "тоғ" шаклида уйиб, устига қаймоқли крем қуйилади ва совутгичга қўйилади.

Қуюлтирилган сут қаймоқ билан обдон аралаштирилади.

ОДАМ САВДОСИ

МЕН СИЗНИ ЕВРОПАГА ЖЎНАТАМАН

Кўпдан буён дийдорлашмаган бир қариндошимни кўриб келиш учун Самарқандга бордим. Йўқлаб келганимдан боши кўкка етган қариндошим меҳмондорчиликни қуюқ қилди. Зиёфатга яқин қўшнисини ҳам таклиф этди. Олинг-олинг қилиб ўтирдик. Аввалига суҳбатимиз унча қовушмади. Давра қизиб, қўшни киши яқинда бошидан ўтказган саргузашти, пул топаман деб бегона юртларда сарсону саргардон бўлгани ҳақидаги ҳикоясини бошлаганида, худди сеҳрлангандек, оғзига тикилиб қолдим.

– Э, ака, – деб гап бошлади у, – ота-боболаримиз бекорга "Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга" дейишмаган экан. Яшашим ёмон эмасди. Иккита соғин сигирим, товуқ ва қўйларим бор эди. Ўзим касалхонада хизматчи бўлиб ишлардим. "Бировдан олдин, бировдан кейин" деганларидек, қора қозонимни қайнатиб, оилам, болаларим билан тинчгина яшаб юргандим.

Бир куни мендан ёш бўлса ҳам қишлоқни олди бойларига айланиб, босар-тусарини билмай қолган Қобил билан тасодифан учрашиб қолдик. Менинг туриш-турмушим, яшаш шароитим билан қизикди.

– Э, ука, бир нави яшаб юрибмиз, – дедим.

– Биламан. Янгамнинг ҳам бозорда сут, тухум сотиб ўтирганини кўрдим. Лекин қачонгача итнинг кейинги оёғи бўлиб яшайсиз? Фарзандларингиз бор. Эртага қиз чиқариб, уй қуриб, келин туширишингиз керак...

– Нима қилай, ука, қўлим қисқа, – дедим талмовсираб.

– Намунча латта бўлмасангиз! Ахир одамлар Корея, Малайзия каби давлатларга бориб ишлаб, жарақ-жарақ пул топиб келаяпти-ку. Сизнинг улардан қаерингиз кам. Тўрт мучангиз соғ бўлса.

– Ҳа, энди у юртларга бориб ишлаш учун ҳам сардаги ҳамма молларимни сотиб, айтилган долларни Қобилнинг қўлига тутқаздим. У бир неча кундан кейин қўнғироқ қилишини айтиб, хайрлашди.

Кутилган муддат узоқ чўзилмади. Қўнғироқ қилиб, поездда йўлга чиқишимни, Москвада кутиб олишини айтди. Оромсиз, таҳликада ўтган йўл азоби ортда қолди. Қобил мени вокзалда қучоқ моянг бўлиши керак, – дедим.

– Ҳоҳиш-истак бўлса бас, мен ёрдам беришим мумкин, – деди.

Тўғриси, бундай ният ўзимни ҳам кўнглимда йўқ эмас эди. Шунинг учун, "Ростдан ҳам ёрдам қилиб, Кореяга жўнатиб юборасизми?" дедим.

– Нима қиласиз бу қолоқ Осиёда? Мен сизни Европага жўнатаман, – деди.

Аҳдлашиб, бир битимга келдик. Мен унга 2000 доллар берадиган, эвазига эса мени Вильнюсда ойига 800 доллар тўлайдиган иш ва яшаш жойи билан таъминлайдиган бўлди.

Хотинимнинг жон ҳолатдаги қаршилиги, "Қўйинг, сизга нима етишмаяпти? У юртларга борманг", деб яланиб-ёлворишлари, аччиқ кўзёшларига қарамай, уйимни сотиб бир ҳамкишлоқларим айтган кўнгилсиз гаплардан хира тортган дилим ёришди. Унга ишонса бўлади. Ахир бегона эмас-ку, чув тушириб кетса...

Мени Вильнюсга Рисқул исмли бошқа бир ҳамюртимиз олиб борадиган бўлди. Қобил зарур иши борлигини, уч кундан кейин ортимдан етиб боришини айтиб, қайта-қайта узр сўраб, вокзалда қолди.



Рисқул мени бир катта ер ва мулк эгаси бўлган кекса аёл ҳузурига олиб борди. Ўткир нигоҳли бу аёл калондимоғлик билан, худди жирканч нарсага қарагандек, менга бир сидра кўз ташлаб олгач:

– Чапликоснинг ихтиёрига олиб бор, – деди.

Чапликос деганлари Худо бехабар, қонхўр бир кимса бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳазилкаш, одамохун иш юритувчи экан. Мен қиладиган ишлар билан қисқача таништирди.

Икки юздан ортиқ зотдор сигирли катта фермада ишлашим керак эди. Иш туну кун эмас, балки 3 сменада ташкил этилган. Одамлари ўз ишига ҳалол ёндошиб, саккиз соат виждонан ишлайдилар. Менга ҳеч ким қўпол гапиргани ҳам, ортиқча ишлатгани ҳам йўқ, ҳаммаси рисоладагидек эди.

Бироқ, хурсандлигим узоққа бормади. Ҳамма қувониб, иш ҳақини олди. Аммо, мен... Маълум бўлишича, бир йиллик иш ҳақимни олдиндан олиб кетишган экан. Кўзларимга дунё қоронғу бўлиб, пешонамга муштлаганча қолдим. Лекин илож қанча? Наҳотки, молни бозорга етаклаб олиб бориб сотган каби мени ҳам сотиб кетган бўлсалар? Энг алам қиладиган жойи – ўз қўлим билан 2000 доллар тўлаб, кулликни сотиб олибман.

Энди оҳ-воҳ ва кўзёшидан фойда йўқ. Сотилган эркимни қайта сотиб олишим учун итдек тинимсиз ишлашим керак.

Ишладим. Туну кун ишладим, ўзимни меҳнат билан овутдим. Тунлари ёш бола каби хўрлигим келиб, ўксиб-ўксиб йиғлар эдим.

Орадан тўрт ой ўтганидан кейин Чапликос олдимга келиб "Хозяйка" йўқлаётганини айтди.

Қизиқ, бу баджаҳл аёл мен ўйлаганимдек кибрли эмас, балки меҳрли экан. Фақат ташқи кўриниши европалик аёлларга хос важоҳатли экан, холос.

– Сенга ўз миллатдошинг, юртдошинг хиёнат қилди, – деди у. – Бизнинг айбимиз йўқ. Бироқ сен ҳаммадан кўп, ҳалол ишлаяпсан. Энг оғир меҳнатларни бажараяпсан. Меҳнаткаш ва ҳалоллигинг учун қарзларингдан кечдим. Аёлнинг оёқларини қучоқлаб, йиғлагим келди.

Шундай қилиб, бир тийинсиз, юпун, афтодаҳол бир аҳволда минг машаққатлар билан уйимга қайтиб келдим...

Ҳикоя шу ерига келганда, қариндошимнинг қўшниси жим қолди. Назаримда у қиссасини айтиб тугатган эди. Шоша-пиша сўрадим:

– Қобил нима бўлди?

– Раҳматли менга ўхшаган кўплаб лақмаларни чув туширган экан. Кирдикорлари фош бўлиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда, аламзадалардан бири кечаси уйига ўт қўйиб кетибди. Хотини, болалари аранг қочиб чиқибди. Аммо Қобил бечора "мол аччиғи – жон аччиғи" деганларидек, оловни ўчираман, деб ўзи ҳам куйиб кетибди.

– "Қарғиш олган ўнгланмас" деганлари рост экан да, – деди қариндошим. Учаламиз ҳам ўз хаёлимиз билан дастурхон попугини ўйнаб, жим қолдик...

Шавкиддин САМИЕВ.

Оҳангарон туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Хўжакелдиев Дилшод Абдумуталович номига берилган O`R-SH № 0914784 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 20 декабрда 004108-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "VERSAL MEBEL" (ИНН 301762816) масъулияти чекланган жамиятининг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 29 январда 003492-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "KONTR BIZNES SERVIS" (ИНН 301469823) масъулияти чекланган жамиятининг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2010 йил 10 майда № 003748-01 реестр рақам билан рўйхатга олинган "ST REAL TEX" МЧЖга (ИНН 301605811) тегишли думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный аттестат O`R-SH № 0757371, выданный школой № 200 Чиланзарского района в 2007 году на имя Фозилова Даврона Маъмуржон ўғли,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "AGRO BARAKA MAHSULOT", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского района за № 0002709 от 05.10.2010г. (ИНН 207097565, ОКПО 23430341) уменьшает свой уставной финд с 50 млн. сумов до 10 млн. сумов.

"KAYKOVUZ-SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 17 262 000 сўмдан 7 820 000 сўмга камайтирилади.

ООО "SAVDO-BIRLASHUV" (ИНН 201309880, ОКОНХ 71264, ОКПО 15841030) гувохнома № 05-3820/1 от 25.03.11г., зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Алмазарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: К-Камыш 1/4, дом 26, кв. 10, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 2 от 11.05.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган (СТИР 301189934) "LUX-INSTRUMENT" масъулияти чекланган жамияти устав фонди миқдорини 130 000 000 сўмдан 60 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Учтепа туманидаги 296-ўрта мактаб томонидан 2004-2005-ўқув йилида Усмонов Хикматилло Йўлдош ўғли номига 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги U № 1552024 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"NIG`MAT OTA" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ
Навбатчи
Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12460. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345